

Оловда биринчи ёнадиганлар



18:03 / 21.11.2018 5638

Валид ибн Абу Валид ва Абу Усмон ал-Маданийдан Уқба ибн Муслим ривоят қилади:

“Бир сафар Мадинага борганимда халқнинг бир одам атрофида тўпланганини кўриб:

— Бу одам ким? — деб сўрадим.

— Абу Ҳурайра, — дейишди.

Шундан сўнг унинг ёнига бориб ўтирдим. Абу Ҳурайра йиғилганларга ваъз айтарди. Сўзларини тугатганидан сўнг, жамоат тарқалгач, унга:

— Аллоҳ розилиги учун, агар Жаноби Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитиб, хотирангда яхши сақланган ҳадис бўлса, менга

айтиб бер, — дедим.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу:

— Майли, Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитган ва яхши эслайдиганим бир ҳадисни айтақолай, — деди-ю, ҳушидан кетиб, ерга йиқилди. Анчадан кейин ўзига келиб, яна:

— Жаноби Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитган ва яхши эслайдиганим бир ҳадисни сенга айтиб берай, деди-ю, такрор беҳуш ҳолда йиқилди.

Тағин ўзига келгач:

— Ҳа, ҳа, сенга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари билан мендан бўлак бирор кимса йўқлигида айтган ҳадисларини сўзлайин, — деди ва бу сафар янада қаттиқроқ беҳуш бўлиб, юзи билан ерга йиқилди.

Уни елкаларидан ушлаб, кўкрагим билан суядим. Ниҳоят ҳушёр тортганидан сўнг қуйидагиларни айтди:

— Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам, ўшанда марҳамат қилдиларки, Аллоҳ таоло қиёмат куни ҳаммани ҳисоб-китоб қилади. Тўпланганлар тиз чўккан кўйи, навбатини кутадилар. Энг аввал уч тоифа одам чақиралади: Қуръонни кўкрагида жамлаган киши, мол-дунёси кўп бўлган киши ва шаҳид бўлган киши.

Аллоҳ таоло Қуръонни ёд олган кишидан:

— Пайғамбарга нозил этилганларни сенга ўргатмадимми? — деб сўрайди.

— Менга билдирдинг, ё Раб.

— Сенга ўргатилган илмга мувофиқ ҳаракат қилдингми?

— Ҳа, ё Раббим! Мен кеча-кундуз Сенга ибодат қилардим.

Аллоҳ таоло:

— Ёлғон гапиряпсан, — дейди.

— Сен ёлғон гапиряпсан, — дейишади фаришталар ҳам.

Аллоҳ таоло:

— Бошқаларнинг: “Фалончи ўқиган одам, илмли”, деб мақташлари учун ўқиб-ўрганган эдинг.

Сени шундай дейишди ҳам, — дейди.

Ундан кейин мол-дунёси кўп бўлган киши ўртага олиб чиқилади. Аллоҳ таоло ундан:

— Мен сенга етарлича мол-дунё бермадимми, ҳатто ҳеч кимга муҳтож бўлмайдиган даражада сени бой қилиб қўймадимми? — деб сўрайди.

— Ҳа, ё Раббий, — дея жавоб беради у одам.

Аллоҳ таоло:

— Сенга берилган молни нима қилдинг, қандай сарфладинг? — деб сўрайди.

— Қариндошлик ҳақларига риоя этдим, садақа қилдим, муҳтожларга ёрдам бердим.

Аллоҳ таоло:

— Ёлғон гапиряпсан, — дейди.

Фаришталар ҳам:

— Ёлғон гапиряпсан, — дейишади.

Аллоҳ таоло:

— Сен “Одамлар мени сахий деб атасин” дея шундай қилардинг. Сени шундай аташди ҳам.

Шундан сўнг шаҳид бўлган киши олиб келинади. Жаноби Ҳақ ундан:

— Сен нима учун ўлдирилдинг? — деб сўрайди.

— Ё Раббий, Сенинг йўлингда қурбон бўлдим.

Аллоҳ таоло унга:

— Ёлғон айтяпсан, — дейди.

— Ёлғон сўзляяпсан, — дейишади фаришталар ҳам.

Аллоҳ таоло унга дейди:

— Менинг амримни адо этиш учун эмас, одамларнинг: “Фалончи жасур экан” дейишлари учун курашдинг. Одамлар сени шундай дейишди-ку”.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу, давом этиб айтдики: “Жаноби Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам, шундан кейин менинг тиззамга уриб:

— Эй Абу Ҳурайра, қиёмат куни Аллоҳнинг махлуқларидан жаҳаннам оловида биринчи ёнадиганлари ана шу уч одамдир, — дедилар”.

“Қалбимизнинг нури” китобидан